



## ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ ВА КОРХОНАЛАРДА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ

**Гафурова Умида**

Тошкент молия институти Молия кафедраси катта ўқитувчиси

Тошкент, Ўзбекистон. Email: [umidag85@gmail.com](mailto:umidag85@gmail.com)

<https://Orcid.org/0000-0002-7997-7169>

## INNOVATIVE ACTIVITY AND EFFECTIVE ORGANIZATION OF INNOVATIVE PROCESSES IN ENTERPRISES

**Gafurova Umida**

Senior lecturer of the Finance Department of the Tashkent Financial Institute

Tashkent, Uzbekistan.

Email: [umidag85@gmail.com](mailto:umidag85@gmail.com)

<https://Orcid.org/0000-0002-7997-7169>

### **JEL Classification:** D2,D21

**Аннотация.** Бу мақолада инновацион фаолият ва корхоналарда инновацион самарадорлигини ошириш бўйича чора тадбирлар кўриб чиқилган. XXI аср бошларига келиб, мамлакатлар иқтисодиётида инвестицияларни жалб этиш, ўзаро товар айирбошланиши учун турли хилдаги иқтисодий иттифоқларга қўшилиши, меҳнат ва капиталнинг эркин ҳаракатини таъминлашга қаратилган иқтисодий сиёсатлар оммалашиб борди. Иқтисодий ривожланишни таъминлашга қаратилган хатти-ҳаракатлар ичида маълум бир зоналарни танлаган ҳолда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш, тўғридан-тўғри инвестициялар оқимини йўналтириш, кўплаб солиқ ва божхона имтиёзларини яратишга урғу қаратилди. Инвестицияларнинг корхоналар инвестицион ва инновацион фаолияти самарадорлигини оширишга таъсирини баҳолаш, прогноз қилиш ва уларнинг узоқ ва қисқа муддатли боғлиқликда амал қилиш коэффициенти аниқлаш услубиёти корхонанинг инвестицион стратегиясини ишлаб чиқишда, корпоратив молия сиёсати

бўйича рискларни бошқаришда фойдаланилиши муҳим зарурият ҳисобланади. Мамлакатимиз қонунчилигининг бир қатор норматив ҳужжатлари - Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланган. Иқтисодиётда инновация ва инновацион фаолият соҳасидаги муносабатлар бир қатор жаҳон олимлари ва мутахассислари томонидан тадқиқ этилган бўлиб, бу борада хорижий давлатлар тадқиқотчилари, юртимиз олимларининг хиссасини келтиришимиз мумкин. Инновацион фаолиятнинг назарий-услубий асослари иқтисодчи-олимлар томонидан атрофлича ўрганилган.

**Abstract.** In this article, measures to increase innovative activity and innovative efficiency in enterprises are considered. By the beginning of the 21st century, economic policies aimed at attracting investments, joining various economic unions for mutual

*trade, and ensuring the free movement of labor and capital became popular in the economy of countries. Among the activities aimed at ensuring economic development, emphasis was placed on the establishment of free economic zones, direct investment flows, and the creation of numerous tax and customs incentives. The method of assessing the impact of investments on increasing the efficiency of investment and innovation activities of enterprises, forecasting and determining their coefficient of long-term and short-term dependence is an important necessity to be used in the development of the enterprise's investment strategy, in the management of risks according to the corporate finance policy. A number of regulatory documents of our country's legislation - laws of the Republic of Uzbekistan, decrees and decisions of the President of the Republic of Uzbekistan, decisions of the Cabinet of Ministers - strengthen the legal basis of innovative activity. Relations in the field of innovation and innovative activity in the economy have been researched by a number of world scientists and specialists, and in this regard we can cite the contribution of researchers of foreign countries and scientists of our country. The theoretical and methodological foundations of innovative activity have been thoroughly studied by economists and scientists.*

**Калим сўзлар.** инвестицион самарадорлик, инновация, инновацион фаолият, интеллектуал капитал, инновацион гоя, ишлаб чиқариш самараборлиги.

**Key words.** investment efficiency, innovation, innovative activity, intellectual capital, innovative idea, production efficiency.

**Кириш.** Бугунги кунда шиддатли рақобат шароитида жаҳон бозори талабларини таъминлаш, ишлаб чиқариш

жараёнида юқори самарадорликка эришиш, сифатли ва рақобатбардош товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва бунинг натижасида иқтисодий юксалишга интеллектуал капитал, яъни инновацияларсиз эришиб бўлмайди.

Мамлакатимизда ўтказилаётган демократик бозор ислохотларининг ва Ўзбекистонни янги тараққиёт стратегиясида диққат марказида турган энг муҳим устувор вазифалардан бири – миллий иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш саналади. Жумладан, мамлакатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев ўз нутқларида инновациялар ва инновацион ривожланиш хусусида кўп маротаба тўхталиб ўтдилар: “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади.

Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак”.

Бугунги кунимизда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, барча ресурслардан тежамли фойдаланиш ва бунинг натижасида ички ҳамда ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни анча кенгайтириш аввало корхоналарнинг инновацион салоҳиятини бошқариш, инновацион технологияларни самарали қўллаш ва такомиллаштириш жараёнларига бевосита боғлиқ.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонда илғор технологиялар билан жиҳозланган ва хом ашё ресурсларимизни чуқур қайта ишлашни, экспорт салоҳиятини кўпайтиришни таъминловчи, янги иш жойларини ташкил қилувчиюқори технологик ишлаб чиқаришларни яратишга қаратилган инновацияларга эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимиз қонунчилигининг бир қатор норматив ҳужжатлари - Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий асослари мустақамланган.

Иқтисодийда инновация ва инновацион фаолият соҳасидаги муносабатлар бир қатор жаҳон олимлари ва мутахассислари томонидан тадқиқ этилган бўлиб, бу борада хорижий давлатлар тадқиқотчилари, юртимиз олимларининг хиссасини келтиришимиз мумкин.

Инновацион фаолиятнинг назарий-услубий асослари иқтисодчи-олимлар томонидан атрофлича ўрганилган.

Республикамиз учун инновацион фаолиятни тадқиқ қилишнинг икки турдаги назарий йўналиши муҳимдир. Назарий тадқиқотнинг биринчи йўналиши – бу корхона инновацион фаолиятининг ўз ҳолича ривожланиши (ҳаётий давр), яъни яралган ғоядан уни татбиқ этишгача бўлган ҳаракат жараёни. Инновацион жараённинг юзага келиши, ҳаётда ўз тасдиғини топиб татбиқ этилиши турли омиллар ва шарт-шароитларнинг мураккаб бўлган ўзаро таъсири натижасида амалга ошади.

Иккинчи йўналиш – инновацион менежмент доирасида амалга ошадиган жараён. Айнан ушбу назария "инноватика" номини олди ва, ўз

навбатида, бир қанча мустақил йўналишларнинг вужудга келишига сабаб бўлди: янгиликларнинг шаклланиши, ўзгарувчан янгилик, янгиликларнинг тарқалиши (диффузия); инсонларнинг янгиликка мослашиши ва янгиликларнинг инсонларнинг эҳтиёжларига айланиши; инновацион қарорларнинг яралиши ва бошқалар[1]. Аммо ушбу келтирилган, яъни инноватиканинг таркибий қисмларида айрим муҳим элементларнинг киритилмагани намोён бўладики, булар – янгиликлар бозори, инновацион стратегия.

**Материал ва метод.** Бизнинг фикримизча, инновациянинг иккинчи назарий тадқиқотлар йўналиши бўлмиш "инноватика"ни илмий жиҳатдан янгиликларнинг амалга ошиши, инновацион жараёнлар ривожланишининг қонуниятини, инновацион жараёнларнинг босқичи, инновацион салоҳият ва инновацион инфраструктура каби тушунчаларни келтирган ҳолда мажмуавий талқин этиш ўринли бўлади. Инноватикани ва инновацион жараёнларни назарий жиҳатдан ўрганиш, илмий жиҳатдан тадқиқ этишда Ғарбнинг бир қатор забардаст олимлари эътибор қаратишган. Булар қаторида И.Шумпетер, Н.Д.Кондратъев, Г.Менш ва бошқаларни эслаш мумкин. Ушбу олимларнинг илмий ишлари, олиб борган тадқиқотлари, узвий боғлиқликдаги таҳлиллари орқали инновациялар, уларнинг вужудга келиши, сабаб ва оқибатлари, инновацияларнинг ривожланиши, уларга таъсир кўрсатадиган омиллар, умуман, мазкур тарзда муаммонинг қўйилиши, ечими ва шунга ўхшаш бир қатор масалаларни англаб етиш мумкин бўлади.

Н.Д.Кондратъев томонидан иқтисодий ривожланиш муаммолари ва уларга таъсир кўрсатадиган инновациялар

устида изланишлар олиб борилган. Мутахассис ўз тадқиқотларида асосий эътиборни иқтисодий ривожланиш даврлари, унинг давомийлиги ва уларнинг ривожланиш сабаблари сифатида инновацияларни мисол қилиб келтиради[2].

Н.Д.Кондратьевнинг ушбу ғояси австрия мактаби намоёндаси Й.Шумпетернинг илмий тадқиқотлари ривожига асосий туртки бўлиб хизмат қилган. Бугунги кунда Й.Шумпетер инновация, инновацион жараёнлар каби тушунчаларни истеъмолга киритган йирик олим сифатида эътироф этилади. Унинг 1939 йилда чиқарган "Иқтисодий даврлар" деб номланган асарида инновацион жараёнларнинг назарий асослари, яратилган янгиликларнинг (инновация) технологик жараён ҳамда бошқарувга самарали таъсир кўрсатиши, иқтисодий ресурслар ишлатилишининг янгича комбинацияси натижасида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши вужудга келиши каби масалалар қамраб олинган[3].

Инновация – бу янги технологияларни, янги маҳсулотларни, янги материал ресурсларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва янги саноат корхоналарининг ташкил этилишидир. Ўтган асрнинг 30-йилларида иқтисодчи олимларнинг асосий эътибори инновацияни классификациялашга қаратилди. "Инновация"ни ўрганиш фақат техника прогресси назарияси доирасида, шунингдек, омил унумдорлиги назариялари асосида талқин қилинди. Б.Сонтонинг талқинига кўра, инновация деганда, ижтимоий техник-иқтисодий жараённи ўз ичига қамраб олиб, ихтироларни, дастлабки ғояларни амалий тажрибаларда синаш орқали юқори технологияни, товар ишлаб чиқаришни самарали йўлга қўйиш билан

бозорда юқори қўшимча даромадга эришиш тушунилади[4]. Инновацияга нисбатан шунга жуда ҳам яқин таърифни Б.Твисс ҳам келтиради. Унинг фикрича, инновация жараён ҳисобланиб, ихтиролар, дастлабки ғоялар маълум бир иқтисодий маънони касб этгани ҳолда, муваффақиятли янгиликлар (янги ғоялар) бозорда таклиф сифатида намоён бўлиб, истеъмолчилар бунинг учун пул маблағини тўлашга, яъни талабни қондиришга хизмат қилади [5].

Умуман, "инновация" сўзи янгиликларнинг яралиши, ноанъанавий бўлган жараёнларнинг пайдо бўлиши, ташкил этиш ва бошқарув самарадорлиги ошишига олиб келадиган ўзгача усул, воситаларнинг пайдо бўлишини англатади. Бу сўз бизнинг атамашунослигимизда инглиз тилидан кириб келган "innovation" сўзидан олинган бўлиб, байналминал термин сифатида эътироф этилади.

Бугунги кунда иқтисодий адабиётларда иқтисодчи-олимлар инновацияга турлича таърифларни, талқинларни, қарашларни, нуқтаи-назарларни, фикр-мулоҳазаларни билдириб келмоқдалар. Бир гуруҳ олимлар (А.Н.Фоломьев[6], Г.Я.Киперман[7]) инновацияни янги маҳсулотлар, технологиялар ҳамда хизматларни яратишга қаратилган ва маълум бир имкониятларга эга бўлган ижодий меҳнат маҳсули, деб қарашади. Бошқа муаллифлар (П.Ф.Друкер[8] А.И.Муравьев[9], Н.И.Лапин[10]) эса, инновацияга бизнесни ривожлантириш учун йўналтирилган мураккаб тизим сифатида қараш лозимлигини уқтиришади. Яна бир гуруҳ олимлар (А.Харман, Р.Джонс[11]) инновация остида ишлаб чиқариш жараёнига янги ёки мавжуд бўлган эскисини

такомиллашган вариантини татбиқ этишни тушунадилар.

Миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда иқтисодиёт тармоқларида, хусусан, реал сектор корхоналарида инновацион салоҳиятни ривожлантиришнинг илмий-назарий ва методологик асослари Ўзбекистон иқтисодчи олимлари С.С.Гулямов, А.Э.Ишмухамедов, Х.М.Абдусатгарова, А.Ш.Бекмурадов, М.Саидов, А.Ортиқов, Б.Абдуллаев, Н.М.Расулов, Ш.И.Мустафакулов ва бошқалар томонидан олиб борилган изланишларда ёритилган.

Р.Фатхутдинов “инновация – объектни бошқаришни ўзгартириш ва иқтисодий, ижтимоий, экологик, илмий-техникавий ва бошқа турдаги самарани олиш мақсадида янгиликни жорий этишнинг якуний натижаси”, деб баҳолайди[12]).

Р.Гимуш ва Ф.Матмуродовлар томонидан инновация деганда янгилик ва янгилик киритиш деган маънони билдиради. Бу янгилик замирида янги тартибни, янги одатни, янги услубни, кашфиётни тушуниш лозим”, дея таъриф берилган.

Б.Тошмуродова, Н.Жияновалар фикрига кўра: “инновация тушунчаси ўз ичига фақат техник изланишларни олмасдан, балки корхона иши усулидаги барча яхши ўзгаришларни (янги хизматлар, пастроқ нархлар белгилаш ва бошқа мижозлар учун қулай шароитлар яратиш) олади [13].

Фикримизча, «инновация» янги гча ғоя, ишлаб чиқаришга тадбиқ этилган янги гча ёндашув, янги технология ва ишлаб чиқарилган янги маҳсулот, бошқарувдаги янги усул, умуман, барча жабҳалардаги янги ислохотлардир. Бунда инновация нафақат сўнгги янгилик, балки ҳаётга тадбиқ этилган, жамият аъзоларига иқтисодий ва ижтимоий наф келтирувчи восита бўлиши керак.

**Натижалар.** Ўрганилган тадқиқот ишларидан ҳосил бўлган қарашларни умумлаштириб, муаллифларнинг “инновация” тушунчасига берган таърифларини уйғунлаштирган ҳолда, ўз фикрларимизни умумлаштириб қуйидаги таърифни баён этдик: *“Инновация” динамик ва статистик жиҳатдан яратилган янгилик ва илм-фан ютуғининг охири босқичига боришини таъминлашга қаратилган ва бунинг натижасида маълум бир иқтисодий самарани юзага келтирадиган жараён ҳисобланади”*.

Халқаро стандарларга мувофиқ инновация бозорга тадбиқ этилган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот ёки амалий фаолиятда фойдаланилаётган илғор технологик жараён ёки инсонлар турмуш шароитини яхшилаш, янги гча ёндашиш кўринишида рўёбга чиққан инновацион фаолиятнинг якуний натижаси сифатида белгиланади.

Инновацион ривожланиш ҳақида фикр юритар эканмиз, уни белгиловчи кўрсаткичлар ҳақида билиш муҳим аҳамиятга эга (1-жадвал).

2017-2020 йилларда Ўзбекистон иқтисодийтини инновацион ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари<sup>1</sup>

| Кўрсаткичлар % да   | 2017 йил | Прогноз кўрсаткичлар (2019-2020 й.) |
|---|----------|-------------------------------------|
| Илмий тадқиқотларга йўналтирилган харажатларнинг ЯИМ даги улуши                     | 1.0      | 3.0                                 |
| Юқори технологияли тармоқларнинг ЯИМ даги улуши                                     | 15.0     | 31.0                                |
| Инновацион маҳсулотларнинг ЯИМ даги улуши   | 15.0     | 22.0                                |
| Инновацион фаолиятга йўналтирилган харажатларнинг улуши (маҳсулот умумий қийматида) | 2.8      | 5.0                                 |
| Экспорт таркибида инновацион маҳсулотлар улуши                                      | 15.0     | 28.0                                |
| Аниқ фанлар ва инженерлик мутахассислигига талабаларни қабул қилиш                  | 40.0     | 45.0                                |


Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, яқин келажакда Ўзбекистон иқтисодийтини инновацион ривожлантириш мақсадида бир қатор йўналишлар танлаб олинган. Жумладан, инновацион маҳсулотларнинг ЯИМ даги улуши 2017 йилда 15 % ни ташкил этган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткични 22 % га етказиш режалаштирилган. Инновацион фаолиятга йўналтирилган харажатларнинг маҳсулот умумий қийматидаги улуши 2017 йилда 2.8 % дан 2020 йилда 5 % га етказиш кўзда тутилган эди.

Инновацион технологиялар доирасидаги илмий ёндашувлар шуни кўрсатадики, бирор тизим ёки корхонанинг ҳар жиҳатдан ривожланиши улардаги мустақам инновацион тизим мавжудлиги билан белгиланади. Реал сектор корхоналарини тадқиқ этар эканмиз, уларнинг ўз имкониятларидан самарали фойдаланаётганликларини

гувоҳи бўламиз. Қуйидаги графикда Ўзбекистон Республикаси вилоятлари бўйича 2016 йилда инновацион технологиялар жорий қилган ташкилотлар ва инновациялар сони келтирилган. (1.1-расм).

Расмдан кўришимиз мумкинки, республика бўйича ҳар бир инновацион фаол ташкилот ўртача 2 тадан инновация жорий қилди. Жумладан ҳар бир инновацион фаол ташкилотга Андижон, Фарғона вилоятлари, Тошкент шаҳрида ўртача 3 тадан инновация, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент вилоятларида ўртача 2 тадан инновация, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Наманган, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида ўртача 1 тадан инновация жорий қилинган.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган



**1.1-рasm. Инновацион технологиялар жорий қилган ташкилотлар ва инновациялар сони**

Албатта юқоридаги рақамлардан реал сектор корхоналари инновацион фаолияти соҳасидаги ижобий ҳолатни кўришимиз мумкин. Аммо таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, ҳозирда реал сектор корхоналари олдида бир қанча муаммолар кўндаланг турмоқда:

-инновацион салоҳиятнинг пастлиги;

-ушбу фаолиятни кенгайтириш учун корхоналарнинг ички маблағларининг етишмаслиги;

-иқтисодий рискларнинг юқорилиги ва қопланиш муддатларининг узоклиги;

-ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг узок муддатли йўналишларини кўра олмаслик.

**Мунозара** Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясининг амалга оширилиши натижасида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада, шу

жумладан, қишлоқ хўжалиги, энергетика, қурилиш, таълим, соғлиқни сақлашда инновацион ва технологик ривожланишни таъминлаш ва рағбатлантириш борасида катта ютуқларга эришилди. Хусусан:

-Республикамиз 81 та индикатор бўйича баҳоланадиган Глобал инновацион индекси рейтингида 2015 йилга нисбатан 36 та поғонага кўтарилди;

-инновация ва илм-фан соҳаларига Давлат бюджетидан ажратиладиган йиллик маблағлар ҳажми 2018 йилга нисбатан 3 бараварга оширилди ва 1,5 триллион сўмга етказилди;

-ёш олимлар 2018 йилда 6,5 минг нафар бўлган бўлса, 2022 йилда уларнинг сони 10,8 минг нафарни ташкил этди, яъни бир ярим бараварга ўсди;

-охирги 4 йилда инновацион фаолиятни молиялаштириш бўйича махсус институтлар (инновацион жамғармалар,

венчур ташкилотлар ва бошқалар) сони 28 тага етказилди;

2018 йилдан бошлаб ҳар йили ўтказилаётган Халқаро инновацион ғоялар ҳафталиги "Innoweek.uz" хорижий инновацион ва илмий марказлар, инвестицион фондлар, технологик агентликлар, технопарклар ва бизнес-инкубаторларни бир мақсад йўлида жамловчи инновацион технологиялар платформасига айланмоқда.

Шу билан бирга, иқтисодиётнинг реал секторида илмий ва инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш даражаси, илм-фан, таълим ва саноат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари нисбатан паст бўлиб қолмоқда.

Республикада инновацион ривожланишни жадаллаштириш, иқтисодиётнинг барча тармоқларида инновациялар ва технологияларни кенг татбиқ қилиш, инсон капитални, илм-фан ва инновация соҳаларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 июль 2022 йилдаги "2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги №ПФ-165-сонли Фармони қабул қилинди ва унга кўра, 2022-2026 йилларда **Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясининг асосий йўналишлари** этиб қуйидагилар белгиланди:

-инновацион инфратузилма субъектлари (инновацион технологик парк, технологиялар трансфери маркази, инновацион кластер, венчур ташкилоти, инновация маркази, стартап акселератор, инкубатор) тармоғини шакллантириш орқали стартап ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ҳамда йирик ҳажмли ишлаб чиқаришни (капитал яратиш) ташкил этиш;

-инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг институционал механизмларини такомиллаштириш орқали инновацион фаол ташкилотлар улушини ошириш;

-кичик тадбиркорликнинг инновацион фаоллигини ошириш орқали ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий жадал ўсишини таъминлаш;

-янги турдаги маҳсулотлар ва инновацион технологиялар яратишнинг ғоядан якуний истеъмолчигача бўлган комплекс тизимини таъминлаш орқали инновацияларга бўлган талабни рағбатлантириш;

-яратилган капитални "тубдан янгиловчи" инновацияларга қайта йўналтириш тизимини шакллантириш;

-таълимнинг барча босқичларида яратувчанлик, инновацион тадбиркорлик ва рационализаторлик кўникмаларини ривожлантириш орқали инновацион фаолият бошқарувида инсон капитални янада ривожлантириш.

Мамлакат иқтисодиёти ва корхоналарда инновацион жараёнларни тизимли шакллантиришга тааллуқли муаммоларни ҳал этишга уринган олимларнинг илмий ишларини ўрганиш шуни кўрсатадики, инновацион фаолиятнинг самарадорлиги, биринчи навбатда, молиявий ресурслар билан таъминланганлик даражасига боғлиқ. Инновацион фаолият негизда ётган иқтисодий муаммоларни ҳал этиш учун эса ишлаб чиқариш жараёнининг барча иштирокчилари: ишлаб чиқарувчи кучлар, илмий-тадқиқот олиб борувчи муассасалар ва молия институтлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ривожланишини талаб этади.

**Хулоса** Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, реал сектор корхоналарида инновацион жараёнларга безътибор назар билан қаралса, ҳар



дақиқада инновацион технологиялардан унумли фойдаланиш тўғрисида бош қотирилмаса, бу оқибатда корхона менежери ва тадбиркор қаршисида инноватор рақобатчилар томонидан бозордан сиқиб чиқарилиш, тараққиётдан орқада қолиш хавфини вужудга келтиради. Нега деганда бизга маълум бўлган бозор иқтисодиёти доимий равишда янгиланиб боришни, ўз устида тинимсиз ишлашни талаб этади.

Иқтисодиётнинг реал сектор тармоғига янги инновацион технологияларни жорий этмасдан, маҳсулот ва хизматларни диверсификацияламасдан ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилмасдан туриб жаҳон бозорида кучли рақобат мавжуд бўлган ҳозирги шароитда ўзимизнинг мустаҳкам ўрнимизга эга бўлишимиз мумкин эмас. Бу йўналишларни амалга оширишда ташкилотлар кўпроқ инновацияларни жорий этишлари зарур деб ҳисоблаймиз.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Пригожин А.И. Нововведение: стимулы и препятствия. Диссертация на соиск.уч.степ.к.э.н.. – М.: Финансовкй Университет при Правительстве Российской Федерации. 1998 г.-162с.
2. Шумпетер Й.А. Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия. М.: ЭКСМО, 2007. 864 с.
2. Кондратъев Н.Д. Большие циклы конъюнктуры и теория предвидения: избр. тр. Сост. Ю.В.Яковец. – М.: Экономика, 2002. 767 с.
3. Шумпетер Й.А. История экономического анализа. – СПб.: Экономическая школа, 2004. 1666 с..
4. Санто Б. Инновация как средство экономического развития. – М.: Прогресс, 1990. с.83
5. Твист Б. Управление научно-техническими нововведениями. М.: Экономика, 1989. с.54.
6. Фоломьев А.Н. К вопросу о концепции национальной системы венчурного инвестирования./ Инновация. 2002. №8 , с.21-30
7. Киперман Г.Я. Экономика предприятия: словарь.5-изд. – М.:ЮРИСТЪ. 2015. -486 с.
8. Друкер П.Ф. Энциклопедия менеджмента.-6-изд. – М.: Диалектика, 2018.- 654 с.
9. Муравьев А.И. Предпринимательство: учебник. 6-изд. СПб.: Лань, 2017.- 782с..
10. Лапин Н.И. Теория и практика инноватики: учебное пособие.-3-изд. – М.: Логос, 2016. -467с.
11. Джонс Р. Экономические сочинения. –Пер. С англ. -3-изд. М.: Директмедиа. Паблшинг, 2018.-423с..
12. Fatxutdinov R.A. Innovatsionniy menedjment. – Spb.: Piter, 2004. S. 19.
13. Toshmurodova B.E., Jiyanova N. Innovatsion faoliyatni moliyaviy rag‘batlantirish.O‘quv qo‘llanma. – T.: IQTISOD-MOLIYA, 2006. B. 11. (110 b.)